

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил август ойининг 17 кунда жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида туман судининг судьяси М.Ҳайитовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Э.Абдумуталиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чуст туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Йўлдошалиев, судланувчи Р.Шакиров, жабрланувчи Р.Атамирзаева иштирокида, Шакиров Равшан Якубовичга нисбатан 1-1611-2302/241-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

**Шакиров Равшан Якубович** (Shakirov Ravshan Yakubovich) – 1979 йил 12 декабрь куни Чуст шаҳрида туғилган, миллати тожик (ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас), Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, судланмаган, Наманган вилояти Чуст тумани “Сероб” МФЙ, Истиклол кўчаси 8-уйда яшайди, муносиб хулқ-атваорда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 30 июнь куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охирги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Р.Шакиров 2023 йил 10 июнь куни соат 23:00да Чуст туман “Пансада” МФЙ ҳудудида шаърий никоҳ билан бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган турмуш ўртоғи Р.Атамирзаева билан ўзаро оилавий низолар сабаб тортишиб қолиб, уни хонадонда бўлган челақ ҳамда қўли билан уриб, унинг соғлиғига 6 кундан ортиқ 21 кундан кам муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданига енгил шикаст етказган.

Судланувчи Р.Шакиров судда айбига тўла иқроор бўлиб, 2023 йил 10 июнь куни ишдан чиқиб, спиртли ичимлик истеъмол қилгани, маст ҳолатда турмуш ўртоғи билан бирга ижарада яшаётган Чуст тумани “Пансада” МФЙда жойлашган уйига боргани, турмуш ўртоғи билан гаплашиб ўтириб тортишиб қолгани ва уни қўли билан бир икки шапалоқ ургани, кейин эшик олдида айвонда турган челақни унга қарата отган вақтида челақни четки қисми қирраси уни қўлини кесиб кетгани ва қўлидан қон оқа бошлагани, шундан сўнг уни шифохонага олиб боргани, қилмишига пушаймонлигини айтиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.



Судланувчи Р.Шакировнинг айби, ўзининг айбига тўла иқдор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар, жумладан:

жабрланувчи Р.Атамирзаеванинг суддаги 2023 йил 10 июнь куни уйда ётган вақтида кечки соат 23:00ларда бирга яшаб келаётган турмуш ўртоғи Р.Шакиров маст ҳолатда қўлида пакетда 1 шиша ароқ ва пиво билан уйга кириб келиб, унга бақриб хонага кириб келгани, шундан сўнг у билан ўзаро гап тортишиб қолгани, кейин овқатланиб олишини айтганида, овқат емайман деб овқатни косаси билан унга қарата отиб, қўли билан унинг юзига уриб, айвонда турган челақни унга қарата отганида темир челақни четки қисми қирраси чап қўлини кафт қисмини кесиб кетганини, шундан сўнг уни турмуш ўртоғи шифохонага олиб боргани, шундан сўнг ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, судланувчи Р.Шакиров билан ярашмаслиги, унга нисбатан қонуний чора кўришни маълум қилиб берган кўрсатуви;

гувоҳ Д.Камолованинг судда, жабрланувчи Р.Атамирзаева унинг қизи бўлиши, 2023 йил июнь соат тунги 03:00ларда қизи Р.Атамирзаева унга телефон қилиб турмуш ўртоғи уни урганлигини, челақ отган вақтда қўлини кесиб юборганлигини, қон тўхтамаётганлигини, турмуш ўртоғи 4-5 соатдан бери жанжал қилаётганлигини ва уни олиб кетиши кераклигини айтганлиги, шундан сўнг ўғли билан автомашинада қизи Р.Атамирзаевани Чуст тумани “Пансада” МФЙда жойлашган ижарада турадиган хонадонига борган вақтида қизини ижарада турадиган уйи кўчасида қўли боғланган ҳолатда турган эканлигини, кейин қизини ўзининг яшаш хонадонига олиб келганлигини маълум қилиб берган кўрсатуви;

жиноят ишининг 4-варағидаги Р.Атамирзаеванинг Чуст тумани ИИБ бошлиғи номига ёзган аризасида 2023 йил 10 июнь куни турмуш ўртоғи Р.Шакиров томонидан унга тан жароҳати етказгани учун унга нисбатан қонуний чора кўришни маълум қилгани;

жиноят ишининг 5-10-варақларидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённомасида ҳодиса жойи кўздан кечирилиб, жараёндан олинган фотосуратлар илова қилингани;

жиноят ишининг 13-17-варақларидаги суд тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 16 июндаги 987/690–сонли хулосасида Р.Атамирзаеванинг жароҳатлари – баданида пешона соҳаси шилинмаси, ўнг болдир соҳаси шилинмаси, қонталашни аниқланган бўлиб юқоридаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси кўра соғлиқнинг 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келувчи енгил шикаст экани баён қилингани;

жиноят ишининг 58-60 варақларидаги жабрланувчи Р.Атамирзаева билан судланувчи Р.Шакировлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомасида уларнинг суддагига ўхшаш мазмундаги кўрсатувлари баён қилингани;

шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд, судланувчи Р.Шакировнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов



органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Чунки, судланувчи Р.Шакиров бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган турмуш ўртоғи Р.Атамирзаевага қасддан енгил шикаст етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”-деб;

3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.”-деб;

қарорнинг 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак”-деб, тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддаси 2-қисми талаби бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми таснифланишига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланади.

Суд, судланувчи Р.Шакировга жазо тайинлашда, унинг айбига тўла иқрорлигини ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, етказилган жароҳатнинг оғирлик даражасини, шу қаторда жабрланувчининг даъвоси борлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан у айбли деб топилган модда санкциясида



белгиланган доирада ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддатини у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазо ижросини назорат қилишни яшаш жойидаги ИИБ бошлиғи зиммасига юклатишни, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, эҳтиёт чорасини бекор қилишни белгилашни лозим деб топди.

Шунингдек, суд иш бўйича етказилган зарарни жабрланувчининг кўрсатувлари ҳамда унинг судга тақдим этган аризаси асосида муҳокама қилиб, жабрланувчи Р.Атамирзаеванинг судланувчи Р.Шакировга нисбатан моддий ва жисмоний зарар бўйича даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

**Шакиров Равшан Якубович** (Shakirov Ravshan Yakubovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Р.Шакировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати Р.Шакиров жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Наманган вилояти Чуст туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Р.Шакировга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчи Р.Атамирзаеванинг судланувчи Р.Шакировга нисбатан етказилган жисмоний ва моддий зарар бўйича даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди орқали Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига протест ёки шикоят беришга ҳақли.

**Раислик қилувчи**

**М.Ҳайитов**

